

ТОВАРЛАРНИНГ УЙЎУНЛАШГАН ТИЗИМИ

Муминов Азизбек Якубалиевич

*Фарғона имкониятлари чекланган шахслар учун
ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби ўқитувчиси*

Аннотация: *Уйғунлашган тизимда ер шаридаги барча мамлакатларнинг товарларига бир хил 6 хонали код рақами берилади, бир хил таснифланади ва таснифлашнинг 6-та қоидалари ҳам бир хил қўлланилади.*

Калит сўзлар: *Товарларнинг уйғунлашган тизим тушунчаси, товарларни таснифлаш, уйғунлашган тизимга киритилган ўзгартиришлар.*

Уйғунлашган тизимда ер шаридаги барча мамлакатларнинг товарларига бир хил 6 хонали код рақами берилади, бир хил таснифланади ва таснифлашнинг 6-та қоидалари ҳам бир хил қўлланилади. УТ (уйғунлашган тизим) нинг яна бир муҳим афзаллиги шундан иборатки, товарлар турли хил миллатларнинг тилларида номланади, бироқ бир хил қоидалар билан таснифланади ва код рақами берилади, биз товарларнинг тилини тушунмаслигимиз мумкин, лекин ушбу код рақамлари орқали, масалан HS2201 минерал сувлар, HS8703 енгил автомобилларни мазкур товарлар номенклатураси код рақамлари орқали тушунамиз.

Уйғунлашган тизимнинг яратилиши узоқ тарихга эга, буни барча божхона ходимлари ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билишлари зарур. XIX аср ўрталарида саноат, фан ва техниканинг ривожланиши натижасида ташқи савдо ҳам ривожланди. Шу даврда дунё бозорларга товарларнинг янги-янги турлари кириб кела бошлади, натижада турли-хил товарларни божхона назоратини амалга ошириш жараёнида бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Бу ташқи савдо билан шуғулланувчи мамлакатлар олдига, божхона мақсадлари учун товарларни таснифлаш, уларни номлаш ва товарлар номенклатурасини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Биринчи марта 1853 йилда халқаро статистлар конгрессида ташқи иқтисодий фаолият учун товарлар номенклатурасини ишлаб чиқиш ва у барча товарларни ўз ичига олиши ҳақида таклифлар киритилди. 1890 йилда Парижда бўлиб ўтган халқаро конгрессда ҳам товарлар номенклатурасини қабул қилиш масаласи кўрилди. XX аср бўсағасида фан ва техниканинг тезлик билан ўсиши бу муаммони тезроқ ҳал этиш масаласини кун тартибига қўйди.

Ниҳоят, кўп изланишлардан сўнг, 1981 йилда Товарларни таснифлашнинг Уйғунлашган Тизими ва кодлаштириш ҳақидаги халқаро Конвенция ишлаб чиқилди (кейинги матнларда Конвенция). У Брюсселда 1983 йил 14 июнда қабул қилинган, 1986 йил 24 июнда баённома билан киритилган ўзгартиришлар билан бирга 1988 йил 1 январдан амалиётга кирди. Ўзбекистон Республикаси

1998 йил 29 августда Олий Мажлиснинг №687-1 қарорига кўра ушбу Конвенцияга қўшилган (2000 йилнинг 1 январдан Ўзбекистон Республикасида кучга кирган).

ББТ да УТ бўйича қўмита фаолият кўрсатади, бу қўмитада конвенцияга аъзо давлатларнинг вакиллари иштирок этади. Қўмита 1 йилда камида 2 марта йиғилиб, конвенцияга аъзо давлатларда УТ талабларининг амалда қўлланишини назорат қилади ва ривожланаётган давлатларга амалий ёрдам беради. Товарларни таснифлаш юзасидан пайдо бўлган муаммоларни ечишда амалий тавсиялар беради. УТ га қўшимчалар, ўзгартиришлар киритади ва янги-янги таҳрирлари яратилади ҳамда бу ҳақда конвенцияга аъзо давлатларни хабардор қилади.

5-жадвал

Ўйгуллашган тизимга киритилган ўзгартиришлар

№	УТ нинг вариантлари	Киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар сони	Товар субпозициялари сони
1.	1988 йил	биринчи марта амалга киритилди	5019
2.	1992 йил	деярли ўзгартиришлар киритилмади	5018
3.	1996 йил	393 та	5113
4.	2002 йил	374 та	5224
5.	2007 йил	354 та	5052
6.	2012 йил	225 та	5205
7.	2017 йил	233 та	5367

Аъзо давлатлар, конвенция талабларига кўра УТ тузилишига ўзгартирмасдан қабул қилишлари, шунингдек 6 та рақамдан иборат товарларни таснифлаш ва кодларини ҳам ўзгартирмаслиги таъкидланган. Конвенцияга аъзо ҳар бир давлат УТ асосида ўзининг миллий товарлар номенклатурасини ишлаб чиқиши ва амалда қўллаши мумкин. Шунингдек, товарларнинг код рақамларини аниқлашда 6 рақамдан кейин, ўз давлатлари статистикаси ва божхона мақсадларини кўзлаб, ҳоҳлаганича рақамлар қўшиши мумкинлиги эътироф этилган. Шунга кўра, Россия Федерацияси-10, АҚШ-11, Канада-10, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари-14, МДХ-9 ва Ўзбекистон 10-хонали рақамгача ўз товарлар номенклатурасини ишлаб чиққан. Ривожланаётган давлатларга 6 рақамдан иборат товарлар номенклатурасини ишлатишга рухсат этилган.

9-жадвал

ЎзР ТИФ ТН нинг 2017 йил январь варианты

№	Номи	Сони
1	Товар бўлими	21
2	Товар гуруҳи	97 гуруҳ, (3 та гуруҳ–77, 98, 99 захирада)
3	Товар позицияси	1252
4	Товар субпозицияси	5367
5	Товар подсубпозицияси	10850

Товарлар гуруҳида муҳим асос сифатида табиий хомашёга ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотлардан то тайёр маҳсулотларгача қўлланадиган технологик жараёнларга эътиборни қаратиш асосида гуруҳлаш УТ ни бож тарифларида қўллаш учун катта имконият яратади. Товар позициялари, субпозициялари ва подсубпозициялари тузилишида, ҳар бир гуруҳда, белгилар ўз изчиллигида қўлланилади. Асосан 5 та товар хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- товарга ишлов бериш даражаси, унинг кимёвий таркиби;
- товарнинг вазифаси, материал тури;
- товарнинг нархи;
- товар компонентларининг миқдори;
- товарларнинг жаҳон савдосидаги салоҳияти, халқаро миқёсда тутган ўрни.

Одатда ноозиқ-овқат товарларигина сифатнинг умумийлиги бўйича экспертизасидан ўтади. Янги товарларнинг сифат экспертизаси орқали товарларнинг янгиланиш даражаси, уларни сотиш учун ишлаб чиқариш имкониятини тавсифлайдиган кўрсаткичлар номенклатураси бўйича сифат баҳоланади. Янги товар – бу илгари ишлаб чиқарилган худди шундай товарнинг истеъмол хусусиятлари ўзгартирилган, сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Х.Т.Мухитдинов, А.Н.Самадов. ТОВАРШУНОСЛИК (ТОВАРШУНОСЛИК ВА БОЗОР НАРХИ) Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Тошкент-2010.
2. <https://www.google.com/intl/ru/slides/about/>
3. Hamidullo o'g'li, T. H. (2023). RAQAMLI TEXNOLOGIYALARI DAVRIDA CHATGPT VA HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. Scientific Impulse, 2(16), 320-325.
4. Горовик, А. А., & Турсунов, Х. Х. У. (2020). Применение средств визуальной разработки программ для обучения детей программированию на примере Scratch. Universum: технические науки, (8-1 (77)), 27-29.
5. Tursunov, H. H., & Hoshimov, U. S. (2022). TA'LIM TIZIMIDA KO'ZI OJIZ O'QUVCHILARNI INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI FANIDA O'QITISH TEXNOLOGIYALAR. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(5), 990-993.
6. Hamidullo o'g'li, T. H. (2022). HOZIRGI KUNNING DOLZARB IMKONIYATLARI. JAWS VA NVDA DASTURLARI. Scientific Impulse, 1(2), 535-537.
7. Hamidullo o'g'li, T. H. (2023). TA'LIM TIZIMIGA MICROSOFT OFFICE 2003 VA 2020 DASTURLARINI QO'LLANILISHI VA IMKONIYATLARI. Scientific Impulse, 2(13), 353-357.
8. Hamidullo o'g'li, T. H., & Kamolovich, B. E. (2023). IMKONIYATI CHEKLANGAN O'QUVCHILAR BILAN ISHLASH TAJRIBASI. Scientific Impulse, 1(7), 648-653.

9. Hamidullo o'g'li, T. H. (2023). SHAXSIY KOMPYUTER BILAN O'ZARO ALOQADA BO'LGAN IMKONIYATI CHEKLANGAN SHAXSLARNING ISH JOYI VA O'RNI. *Scientific Impulse*, 1(11), 394-398.

10. Zokirov, S. I., Sobirov, M. N., Tursunov, H. K., & Sobirov, M. M. (2019). Development of a hybrid model of a thermophotogenerator and an empirical analysis of the dependence of the efficiency of a photocell on temperature. *Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers*, 15(3), 49-57.

11. Kamolovich, B. E., & Hamidullo o'g'li, T. H. (2023). SOHADA MICROSOFT OFFICE WORD 2003 VA 2021 DASTURLARI QO'LLANILISHI VA AFZALLIKLARI. *Scientific Impulse*, 1(11), 376-382.

12. Хўжаназаров, Ў. Э., Рўзимова, Х. К., Есимбетов, Р. М., Алламуратов, Б. Д., Бобокелдиева, Л. А., Наралиева, Н. М., & Халқузиёва, М. А. (2022). Қашқадарё ҳавзасининг тоғолди яйловлари мониторинги ва экологик оптималлаштириш. *Образование*, 8(9), 10.

13. Хужаназаров, У. Э., Рузимова, Х. К., Есимбетов, Р. М., Алламуратов, Б. Д., Бобокелдиева, Л. А., Наралиева, Н. М., & Халқузиёва, М. А. (2022). ашқадарё ҳдвзасининг тоғолди яйловлари мониторинги ва экологик оптималлаштириш. *Образование*, 8(9), 10.

14. Есимбетов, Р., & Матрасулов, Г. (2022). РЕПРОДУКТИВНАЯ ДИНАМИКА БОЛЬШОЙ ПЕСЧАНКИ (*RHOMBOMYS OPIMUS L.*) В НУКУССКИХ ПЕСКАХ ПУСТЫНИ КЫЗЫЛКУМ. In *НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 14-16).

15. Yesimbetov, R. M., Asenov, G. A., Allamuratov, B. D., & Matrasulov, G. J. (2020). Long-term Dynamics of the Midday Gerbil (*Meriones meridianus* Pall) Population in the Portion of the Kyzylkum Desert in the Nukus Area. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(3), 6213-6216.

16. Есимбетов, Р. М., & Асенов, Г. КАТТА ҚУМ СИЧҚОНИ (*XENOPSYLLA NIRTIPES*) БУРГАСИНИНГ МОНИТОРИНГ КУЗАТИШ ФЕНОЛОГИЯСИ. МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ БЕРДАХА ФАКУЛЬТЕТ БИОЛОГИИ, 31.

17. Есимбетов, Р. М., & Асенов, Г. ҚИЗИЛҚУМНИНГ НУКУС ҚУМИ ХУДУДИДА ТУШКИ ҚУМСИЧҚОНИ (*MERIONES MERIDIANUS*) НИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА СОН ДИНАМИКАСИ. МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ БЕРДАХА ФАКУЛЬТЕТ БИОЛОГИИ, 29.